«Темурийлар даврининг меъморий каҳҳашони» китобини, тўғриси, китоб-альбомини кўздан кечириб, юқоридаги фикрлар яна бир бор кўнглимдан кечди. Альбом соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллигига бағишлаб, уч тилда — ўзбек, рус, инглиз тилларида чоп этилган. Ундаги суратларни томоша қилган экансиз, обидалар жўналадиган олис тарихдан ҳўқонлар сўзлаётгандек бўлди. Муаллифининг эътирофи этишча Амир Темурнинг буюклиги ундан мерос бўлиб қолган меъморий обидалар таҳлили мисолида очиб берилган.

Пўлат Зоҳидов кўп йиллардан бери тарихий обидаларинини тадқиқ қилиб келади. «Темурийлар даврининг меъморий каҳҳашони» китобини маълум маънода ана шу заҳматли, айни пайтда, шарофли изланишларнинг маҳсули, яқини дейиш мумкин.

Амир Темурнинг меъморчилик, шаҳарозслик борасидаги сай-ҳаракатлари, олиб борган изчил, қизгин ишлари, бунёдкорлик фаолияти наикни Марказий Осиё, балки жаҳон таракҳиётида муҳим босқиндир. Айнан темурийлар

Шоҳизинда, Бибихоним, Қўқсарой сингари бийоларнинг бетакорлигини қайд этди. Нима учун ушбу ва бошқа ёдгорликлар ҳақин меъморчиликнинг буюк намуналарини аталади — муаллиф ўз тадқиқотида ана шу саволга хар томонлама чўқур жавоб беради.

Бир ҳолатини зикр этиш лозим: юртимиздаги меъморий ёдгорликлар бир-бирига ўхшаш тўюлса-да, аммо бир-бирини асло такорламайди. Ҳатто гулиҳам, нақиллари-ю, бўёқлари ҳам ўзига хослиги билан барчани маҳабб ётади. Пўлат Зоҳидов ўз китобида ана шу силраларни ҳам ечишга ҳаракат қилган.

«Темурийлар даврининг меъморий каҳҳашони» китоби яқини узоқ хорижда ҳам, юртимизда ҳам ардоқли бўлган тарихимизнинг ёркин бир бўлагини таъсири, тасвири, таъбир жоиз бўлса мадҳиясидир. «Шарк» матбаа нашриёт концерни таҳририяти бу китобини чоп этиб, соҳибқирон юбилейига муносиб тўғфа тайёрлаган. Айни чоқда фўрт савоб ишга ҳам қўл ўрган. Китоб халқимиз, Ватанимиз тарихини ўрганувчилар учун арзигулик сабоқ ҳамдир. Ушбу китобнинг Абдулла Қодирий номидаги Республика Давлат мукофотиға тақдим этилиши шу ҳайхатдан ҳам қўнчилиши шод этди.

Юлдузлар фақатгина осмонда бўлмайдилар. Улар она еримизда ҳам бисёр. Ёрдаги юлдузларни кўрмоқчи бўлсангиз Самарқандга, Бухорога, Туркистонга, Шаҳрисабзга келинг. «Темурийлар даврининг меъморий каҳҳашони» китобида зикр этилган барча юлдузларни кўрсангиз. Ана шунда осмондаги юлдузлар нега орға қараб интилишини аниқласангиз.

Ҳалиб МирЗО.

Тазам давом этди. Бу сафарномаларда Амир Темур ҳақидаги ўзбек, қозқ, қирғиз, тожик, арман, ўрус, турк озаки ижод асарларини излаш, ёзиб олишга алоҳида эътибор берилди ва оқибат-натихада қўллаб катта-кичик асарлар қўлга киритилди.

Туркия жўмҳуриятидаги «Ота Турк маданий маркази» давлатига қўра хўсусан Амир Темур билан сўлтон Боязид тўқнашган жой — Шоҳ Маликда ва Анқара қалъасида бўлганимизда ҳам Амир Темур ҳақидаги турк афсоналари, ри-воятлари ва лавҳалардан бир нечтасини қаламга олиб қўйдик. Қўлга киритилган да-стлабки материаллар асосида беш жилддан иборат «Соҳибқирон сабоқлари» китобини нашрга тайёрладик.

Шундай қилиб, Амир Темур ҳақидаги озаки ижод намуналарини дунёнинг жуда кўп жойларида сочилиб ётибди. Арманистон ва Русия, Ҳазористон ва Покистон, Арабистон ва Кавказорти юртлари халқлари афсоналар, ри-воятлар ва жой номлари билан боғлиқ катта-кичик асарларни излаш, ёзиб олиш лозим.

Малик МУРОДОВ,
филология фанлари доктори, профессор.

Турсун Мўхаммадининг шеърлари, тарихий мавзулардаги ҳикоялари матбуотда, шу жўмладан, «Оқшом» саҳифаларида мунтазам эълон қилиниб келинади. У яқинда «Қасам қалъа» номли қисса ёзди. Унда буюк Соҳибқирон бобомиз адолатпарварлиги ва ҳақўйлиги бадий бўёқларда акс эттирилади.

Бугун эътиборингизга ушбу қиссадан олинган бир бобни ҳавола этаётиримиз.

Наср
ХУРМО ШАРБАТИ
(«Қасам қалъа» қиссасидан парча)

Қалъа сардори мирғазаб Қилич Арслон, икки наварки билан Мاستонбекни «Қасам қалъа»дан бўлак тутқўхнонага маҳкум қилиб, шоҳлиқдан бирон фармони олий бўлмағунича, қўнга суқилган қиличдек, эиён-заҳмат етказмай, авайлаб асраётганига роппа-роса уч кун бўлди.

Умрида қўлини совуқ сувга урмаган Мастонбекнинг наздида, уч кунлик тутқўн мисоли ўттиз йилдек тўйилди. Амир саройига кирган куннидаги киборона шаштандан асар ҳам қолмади. Катта-кичик тан маҳрамлари ўз ҳўлича лаззатбахш таому эт пишириб, турфа дақиқаларда ҳожасидан хабар олиб туришибди. Мастонбек салласини тутқўхнона тоқчасига қўйиб яхшилаб ўйлаб қараса, унинг амир саройидаги шаҳкохона шиддат-шамойилини ёқлаб чиқадиган бирон зотнинг дарағи бўлмида. Тўнғич тан маҳрами келтирган пар болишга сўянди-да, икки оёғини росманна узатган алфозда ҳаёлга тутинди...

«Амир зўкко, зақоси олмос қиличдек ўткир. «Таряк ичиб олгонмусен, ит» дегонича ҳақ эди. Ажабо, вайлигили бор бу амирнинг». Шойим чўпоннинг ўғли Анормат Мастонбекнинг чорикорларини гаврон билан уриб жўнатган қўни, Мастонбекни диққати ошиб, қуввати аланга олиб турганида, неча таноб ерга қўнжори экиб, ҳўзурини ўзи тортиб юрадиган қўнжорихўр, аслида Мастонбекка тенқур бўлган Байрамшо Дилбанг рўпарасидан чиқиб қолиб, гап қотган эди.

— Ҳа Мастон барлос, ҳаёлинг чўвалашиб, юз-қўзингдан ҳўвор қўтарилаптур, сихатинг саломатми?

Энсаси қотса ҳам Мастонбек жавоб қайтарган эди.

— Э... сенга нима Дилбанг, айтгоним билан дардимни енгиллатармидинг!

Мастонбекдек бадавлат одамнинг энсаси қотса ҳам, унинг билан сўйлашишга майли борлиги Дилбангга ҳўш ёқиб, завққа берилиб давом этган эди.

«Бешармоғи шараф йўқ. Тадбирчилро тараф йўқ дебдурлар. Ҳа ахир дардингни айт, дардга монанд табир чораси топилайдур.

— Айтурга айтурменку аммо, Темурнинг тадбирчил ҳамқори Иноқтоздек донишманди халоскор бўлабилурмисен?

— Қайдам, — деди Байрамшо Дилбанг ўзини қолгондек эпчил, донишманддек тадбирли Иноқтозга қўйсалаётганидан хайратга тушиб.

— Сен Мастон, ўзингни бундай ўртангон аҳволда ҳалоқ этурсен. Пешона томирларинг ёрилиб, лаҳзада одам саросига йўл олурсен.

— Не қил дерсен, Дилбанг?

— Агар ризо эрсанг, бироз қўнжори ззиб ичирурмен, «йўқ» — дема, шунда ҳўшинг ўзингга келиб, қон томирларинг шиддати сўсаюр, турёнут ҳалоқатидан халос ўлурсен. Андин сўнг воқеютин чорасин ахтарурмиз.

Мастонбек жон талаш ҳўлатда йўқ демокликка иродаси етмади. Розиликни олган Сайёд Дилбанг қўнжори халтасидан қўнжори қўзани олди-да, атрофга олазараклик билан разм солиб, барча қўнжорини қўзига тўкиб бўлғач, кичик мешчага тўлдирилган айрон селини қўнжори устига ағдариб, оппоққина бўлса ҳам, иркитлиги қўрқиниб турган ўрта бармоғи билан араулаштириб, ун-тўрт ҳўплади-да, «бай-бай, оҳ-оҳ» — деб, Мастонбекнинг ҳавасини келтирмоқ учун, бошини сарак-сарак қилиб, қўзани Мастонбекка узатди. Жон талаш гирдибодига борлиги қўйиб, руҳи чирпирак бўлиб турган Мастонбек, қўзани олди-да, «банияти шифо» — деб, бир қўтаришда тугатиб, қўзани улоқтириб юборди.

Қўнжорининг таъсири билан, парчаланган қўзига заррача ачинмаган Байрамшо Дилбанг завққа тўлиб гап бошлади.

— Сен Мастонни ваҳм этадурдон айбинг йўқдур. Гуноҳ, Шойимнинг зўрди Анорматнинг бўйнида турур. Узганинг муслима зўредини муҳаббат баҳонаси билра олиб қочмоқ шарият ҳўқимида ҳам тамоман гуноҳи асимдур. Бу гафонинг оросиги Амيري Муслимин тушғонича ҳам, зафар сен томон бокур.

Қўнжори ўз қўчини кўрсатиб, Мастонбекнинг жисмини яйратиб, бош оғрикларини ҳам унутдириб, бамисоли еттинчи осмонга олиб чиқиб, тасвир этиб бўлмағ даражадаги чиройли дунёда сайр қилдира бошлади. Наздида, фавкулдада улкан кўча эга бўлди-ю, айтгани-айтган, дегани-деган бўладигани каби, фикр юриятбошлади.

— Э, қўнжори Дилбанг, бу гапларининг ўзим ҳам билурмен, менинг ҳўқ кимдан чўқийдурдон гуноҳим йўқдур. Хали кўрурсен, Шойимнинг зўрдини қўлидин не келур эрди, ул нотовонни сўн-ҳақларини сичдуриб, ўзанини қилиб итларга отмасам Мастонбек эмасдурмен.

Тасодифий икки улфат йўл ёқасидаги зилол сув оқиб ётган ариқ четида гурунқилишиб ўтиришган чоқда, Мастонбекнинг чорикорларидан Ваҳшшо Чўчмал келиб, Мастонбекнинг қўлогига ниманидир шипшиди.

ХУРМО ШАРБАТИ

(Давоми. Боши 3-бетда).

...Чин муслмон мўмин учун, макруҳ ҳисобланган ярамас кўхори оғусининг азоби эса мана ун кун бўлибдики, бутун борлигини тилка-пора этанди. Диккинафас ҳаво боис, бор либосини ечиб ташлаб, пусти шилиб ташланган кўҳна чинорнинг йўғон тўнкасидек гўдаиб ўтирар эди.

Туткунхона сардори Маҳбўсхон, Самарқандда истикомат қилиб, сарой хизматида бўлса-да, асли таги Шовш вилоятининг Турвот киш-логидан бўлгани учун, турилган кишлоҳи о ҳамда юлармонлик одати-ни ҳисобга олиб, унинг исмини «Маҳбўсхон Тўрво» деган лақаб би-лан аташар эди.

Маҳбўсхон Тўрво, қаттиқ қўллик билан бир қаторда, сарой аёнла-ридан сир тутган ҳолда ўзбошимчалик қилишни ҳуш кўрар, маҳбўс-ларга қаттол усулларни қўллаб, омонлик бериш учун, эвазига зеру забор орттириши билан пинҳоний ном қозонган. Ушбу кўнда тўрига қатта «балик» тушганидан, ич-ичидан қўвониб, дилидаги режасини амалга ошириш вақти келганлигини фахрлаб, Мاستонбек ўтирган хонага пинҳоний туйнукдан мўралар экан, ўзига ўзи шивирлай бош-лади:

У фурсатни қўлдан бермай шул лаҳзанинг ўзидаёқ олдиға кир-моқчи аҳд қилиб, Мастонбек ўтирган хонанинг эшигини аста очди. Туткунхона эшигининг ноласор ёнчиллаб очилганидан ҳушёр тортган Мастонбек, ўтирган жойида қимир этмай, нигоҳини Маҳбўсхон Тўр-вога қалайди. Тўрво масҳараомус сўзланди.

— Войбу... хонанинг димикиб, вуқудингиздаги жазми иллатлар бўй тартибдур-ку бой? Кандай чидаб ўлтирибсиз, ақлим бовар қилмаётми, вуқуд деганлари ҳам, қўп чидамкор бўлур эркан-да, а... бой?

Гапирмоққа мажолли келмаётган Мастонбекнинг энсаси қотиб, маж-буран жавоб беришга тутинди.

— Ха, «бандасининг болли, оллоҳнинг тоши» дегон нақлни эшит-маганмусен, Тўрво?

Маҳбўсхон Тўрво, учрашувга келадиганлар ўтирадиган гўлчанинг устига аста ўтириб-да, пишириб турган бўқанинг буриқидек келадиган, икки гардиши кенг, буриини сийпалаб қўйиб, суҳбатни давом этдириб:

— Оллоҳни тин қўй, Мастон!
— Йўқса не деурсен?
— Чорасини кўрмоқ лозимдур!
— Чораси не эркан, Маҳбўсбек?
— Ха... ўмидинг учкунланиб исминми бекка айлантормогингни билур эрдим. Чораси бор, фақат ҳасиллик этмасанг бас.

Маҳбўсхон Тўрво дадилланиб ичидигани яширмади.
— Зеру заборинг қатта эрса жуфтоқ урмоғингга имкон яратурмен.
— Қочиб қайга борурмен, Тўрво?
— Э, қизик эркансану бой, гардун-и-дун улкану бевонён, бойлиги-нг эрса бисёрдин-бисёрдин. Олтинларингни жамлаб бирон қарвон бирла, бирон мамлакатга бориб, айшингни суриб юраберурсен. Жо-ну жаҳонинг олдида қолиб кетадургон, шираси меваларига ўтиб кет-гон маҳрамларинг зурёдларингга қайғурмай қўқол, ҳуржунда опти-нинг бисёр эрса, уламолар айтгонидек, Маҳрам йўлда, зурёд белда бўлай.

Мастонбек Тўрвога жимлайганнамо нигоҳ солиб, розилигини бил-дирди.

— Маъқул, Тўрво.
Не қабих ҳаёлларга бориб, кўзини бақрайитириб ўтирган Тўрвони-нг юзи ёришиб, ўнг қошини бироз тепага қериб гап бошлади.

— Чўпонларинг минг кўйни, менинг яйловимдаги чўпонларга ўт-қазғай. Ана шунда орамиз очик бўлади, келишдикум?
— Чўпонларинг сардори Мўмин чўпонни, хуфияларим бу ерга бошлаб келишадур, васика ёзиб берурсен, яна эслатадурсенки, чўпонларингнинг биронтаси оғзидан гулламағай. Йўқса уруг аймо-ғингача оташи дазимол этурмен, тушундингму?

Мастонбек ўтирган туткунхона остидаги, маҳбўсларни қочириш мумкин бўлган лаҳми топиб олиб, лаҳм ичида турган хуфия Пайкий, Мастонбек билан Тўрвонинг сўзларини сўниғича эшитди-да, қасти-ни ўтиб қўйиб, мирғазаб Қилич Арслоннинг ҳузурига ошиқди.

Хуфтон намозидан сўнг Тўрвонинг ишончини қозонган икки ху-фия, чўпонлар сардори Мўмин чўпонни Мастонбек нигоҳига бошлаб келишиб, васика ёздириб, чиқиб кетишди.

Мастонбек ҳам анойилардан эмас. Маҳбўсхон Тўрво туткунхона-дан қочириданган бўлса, эҳтиёткорлик билан амир саройига бориб, бор воқуятдан хабардор этиб, иккинчидан, амриддан узр сўраши, зеро узри рад этилса, қайта зиндонбанд этмай, қатл этмоқликларига рози эканлигини режа қилиб қўйди.

Қилич Арслон, хуфия Пайкий этказган хабардан ҳушёр тортиб, амр қилди.

— Хуфияларни тўглаб, барчасини оғоҳ этингиз. Биринчидан, Мас-тонбекнинг ўлтиридаги отарлардан Маҳбўсхоннинг отарларига неча қўй ўтғони, ҳамда Мастонбек туткунхонадан қочқонидан сўнг қайсига боргани о, қандай ҳуржун бирла қайсга йўл олмоғидан оғоҳ ўлиши! Бордин-у Мастонбек Самарқанддин чиқиб кетмоқчи эрса, зинҳор йўл қўйилмасун.

Икки маҳрами қўй этидан қовуриб келтирган таомни еб бўлган, бир қоса анор шарбатини ичиб, вуқуди бироз ором олган Мастон-бек, диққинафас ҳавога анча кўнжикани учуни, қўзи илиниб анчаги-на дақиқа ухлаб қолган экан.

Етган жойи нигоҳ қўтарилди-у, идрокини жамлашга улгурмаган Мастонбек, талмоқсирлаган ҳолда девор четига думалаб кетди. Кўз-ларини ишқалаб ваҳм ичра қараган эди, етган жойида қочиб кетиши мумкин бўлган лаҳм қопқоғини босиб етган экан. Қопқоқ очилди, лаҳм ичида Тўрвонинг терлаган башараси кўринди.

— Қани бўлақол, ухлаган экансан-да, ҳа, қўзингни нега ишқа-лайсан галварс бой! Тушинг эрмас ўнгириг бу, бўл, бўлақол! Бахтинг борга ўхшайдур, «қилт» этган шарпаннинг садоси-у бирон арвоҳинг ҳам сояси йўқдур. Хей, ҳаи нарсангни йиғиштириб ўтирма, ўзинг тушсанг бас.

Мастонбекни ташқарига олиб чиққан. «Сафаринг бекхатар бўлсин, омин оллоҳу акбар, қўймадга қўришгунча омин бўл» — деб, минг қўйинг руҳи билан қўнчаниб, ширин забон билан қўзатиб қолаётган, оллоҳнинг бу гаройиб бандаси, лаҳм оғзига турган кетмоннинг ол-дига бориб, икки панжасига тупуриб олди-да, эски лаҳми гўё янги қавланган ҳолатга келтириш учун, тупроқларни ҳар томонга сочиб, ишқа тўшиб кетди. Мастонбек тунги шабаданан ором олиб, тўйиб-тўйиб ҳаво ютар экан, ҳушёрлик билан амир саройи томонга йўл олди.

Мастонбек амир саройига етиб келган, икки хуфия қичиб, гўё олдин-дан келишиб олмишгандек «Келинг, ҳуш келибсиз», деган қалом билан бошқа бирон ортиқча сўз демай, ичкарига бошлаб Қилич Арслон қабу-лига олиб киришди. Амир эса машваратона қабулдида эмас, ўзи дам олаётган сарой ҳовлисидаги салқин ҳавога қўлиб олди.

Тун анча отган бўлса ҳам атроф қўнғузидек, ёрқин ва равшан. Юз-лаб шағам ва фонуслар чарақлаб ёниб турибди.

Соқчилари ҳам анча олисда. Қилич Арслон Мастонбекни Темури ниго-ҳига олиб келган, одатдаги таъзимни бажо этиб, Мастонбекка ўғирлиди.

Мастонбекнинг вукорили, аммо ушбу дамда, самимий хатти-ҳаракатини синкволик билан қўзатиб турган Темури курсига ўтирмоққа тақлиф этиб, аста гап бошлади:

— Ҳуш келибсиз, бек!

Мастонбекнинг юзиди қониқилиш аломати пайдо бўлиб, жавобга тути-ди.

— Ҳушқат бўлингиз амир-и муслимин, оромингизни бузганимдин, узр сўрамагизга жўзат бергайсиз.

Амирнинг чекраси ёришиб, ором лаҳзаларида қийдаган бошдаги майин тўр дўпписини чап қўлига олиб, ўнг қўли билан бошини аста силаб қўяр экан, Мастонбекка дўстона нигоҳ ташлаб туриб сўзланади:

— Маҳрамат бек, ичингиздаги меҳр синоатни айтинг. Узр сўрамак яратган Оллоҳнинг бандасига меҳр зийоси ёғилмайдигандур. Тангри таол-лудин ёғилладургон меҳр зийосини англай олмайдургон бандаси эрса, икки дунё баробаринда зулмат қарига, ҳужми илоҳ ҳўтбоси боис, аба-дул-абад маҳкуми нотабонлардур.

— Офари амир, мен сизни шул қадар фикратга тўлуғ эрканлигингиз-га ақлим бовар этмайдур. Ўтгон гуноҳларимга узр сўраб, измингизда не фикрат бор, ҳамкор бўлгани ташриф этибдурмен. Шаҳок гуноҳларимни кечирмоқ мўмин эрса, кечиринг. Мен ҳам ҳом сўт эмгон бандадурмен, янглишдим, дилингизга озор етурдим, нодоллик этибдурмен, афу этинг амир.

Амирнинг қўлиги юмшаб, ҳиссиёт алангасида қоврилиб турган Мастонбекни, ўтирган жойидан аста тургазиб, елкасидан енгил қу-чиб, икки елкасини бақувват панжалари билан дўстона сиқиб, ризо бўлганлигини билдирди.

Темури жойига ўтирган, Мастонбек ҳам ўтирди. Хизматкор кани-зақлардан бири, ярашиш одатига қўра, хурмо шарбати келтириб, Чин юртидан келтирилган гўвдат нозигу нафис ишланган чинни ко-сачаларга қўлди-да, оракси билан юриб, қийғос очилиб турган, да-роз бўйлик, анвойи гуллар орасига сингиб кетди.

Турсун МУҲАММАД

Ҳозирги пайтда истеъмол қилинадиган кўзқоринларнинг тури дунё бўйича 200 дан ортади. Улар заҳарли ва заҳар-сизларга бўлинад. Заҳарли кўзқорин-лар кўриниши жиҳатидан баъзи истеъмол қилинадиган кўзқоринларга ўхшайди, шунинг учун ҳам уларни теришда янглиш-илса ва истеъмол қилинса заҳарлиниш ҳоллари юз беради.

Саюматлик

ЗАҲАРЛИСИНИ АЖРАТА БИЛИНГ

Заҳарли кўзқоринлар ичида энг ёмони оқ кўзқориндир. Бу кўзқорин салласининг диаметри 10 сантиметр, оқ яшил рангли, баъзан оппоқ бўла-ди. Унинг устунчаси халқа гардишли, қинли бўлиб, асоси туганаксимон шилган. У ўз таркибидида амин-нитамоллизин ва аминитогексин каби заҳарли мод-даларни сақлаган ҳолда одамларнинг марказий асаб тизимини, мушакларни, юрак-қон томир ти-зимини, жигар, буйрак ва бошқа аъзоларни ши-кастлайди. Касаллик аломатлари кўзқорин ёйил-ганидан сўнг, 8-12 соат ўтган бошланади. Бунда бемор тўхтовсиз қусадди, ичи кетади, қорнида қуч-ли оғриқ пайдо бўлади. Танаси сўвсизланади. Ха-рорати ва қон босими пасаяди, қўл ва оёқлари қўқарди.

Заҳарли кўзқоринлардан яна бири қизил му-хомордир. У ўзига ҳос кўринишга эга бўлиб, сал-ласи қизил рангга, оқ сўгалар билан қопланган. Бу кўзқориндан заҳарлинишнинг асосий сабаби таркибидида мускарин ва мускариндин моддалари борлигидир. Заҳарлиниш аломатлари истеъмол қилингандан бир неча дақиқа ёки 3-4 соатлар ў-тган бошланади. Беморда сўлак оқиб, танани тер бо-сиш, қусиб, ич кетиш, қўз хиралашиши ва тал-васига тушиб ҳолларининг намоён бўлиши бу ка-салликнинг асосий белгилари ҳисобланади. Шунинг

айтиш лозимки, юқоридида келтирилган заҳарли кўзқоринларни қайнатиш ва қовуриш билан уларни зарарсизлантириб бўлмайди. Чунки тоқсинлар юқо-ри ҳароратта чидамлидир.

Бужур ва баҳали кўзқоринлар баҳор фаслида етилади. Бужурнинг салласи тухум ёки эллипс ша-клида бўлиб, оқ ёки тўқ жигаррангли тўлқинсимон кўринишга эга. Бу кўзқорин салласининг диамет-ри 3-6 сантиметрнинг ташкил этади. Устунчаси ци-линдри кўринишда бўлиб, узунлиги 3-8 сантиметр, йўғонлиги 2-3 сантиметр, ичи эса бўшдир. Баҳали кўзқорин ташки кўринишдан бужурга ўхшайди. Фа-қат салласининг ташки кўринишга қараб ажратиш мумкин, баҳалининг салласи худди бошга ўрайдиган салла кўринишда бўлади. Унинг таркибидида гиометрин моддаси бўлиб, таъсири геливелл ки-слотасидан қучлидир. Заҳарлининг аломатлари кўз-қорин истеъмол қилингандан 2-3 соат ўтган қўри-на бошлайди. Бунда беморнинг қўнгли айнаиди, қусадди, оғзи қурийдик, қорни оғрийдик, ичи кетади. Айрим ҳолларда юрак фаолияти бузилади, қўл-оёқ мускуллари тортишади.

Заҳарсиз кўзқоринлардан бири эса шам-пиньондир. Уни қўпича оқ кўзқорин билан янгли-штириб оқорадилади. Оқ кўзқорин салласидаги пластикларнинг ранги фақат оқ бўлади, шам-пиньонда эса ўсиш жараёнида олдин оқ, сарғиш, кейин тўқ қизил ва охирида қорамтир — жигаран-гид бўлади. Қўқ сирожка энг қўп тарқалган ва яхши истеъмол қилинадиган кўзқориндир. Уни қў-пича қўқ-оқ кўзқорин билан янглиштириб тера-дилар. Қўқ сирожканинг қўқ-оқ кўзқориндан фар-қи шундаки, ёқаси ҳамда қўни бўлмайди. Бундан ташқари у тез майдаланиб кетади.

Кўзқориндан заҳарланган беморга шифофор этиб келгунча қўрсатилмаган биринчи табибий ёр-дамини ҳам билиш лозим. Бунинг учун аввало бе-морга ўй ҳароратидаги қайнатилган сувнинг 4-5 стаканни ичирилади ва кустирилади. Кейин фол-ланган кўмир қаболон берилади. Бироз вақт ўт-гандан сўнг сурги дори, бир стакан сувда икки ош қошиғида мағзеий сульфат тузи эритиб ичирила-ди. Унинг йўғон ичағини овқат қолдиқларидан то-залаш ҳам мақсадга мувофиқдир. Сўнгга қорни ва оёқларига иссиқ грелкалар қўйилади. Салқин ач-чиқ чой, кофе ёки озгина тўз қўйилган сув ичи-рилса яна ҳам яхши.

Бахтёр РАШИДОВ,
шифофор.


Бокс

«ЖАНГ»ДА УСМИРЛАР

Чилонзордаги 8-ўсмирлар бокс мактабидида «Навруз» соврини учун 1981-82-йилларда тўғилган ўсмир-лар ўртасида республика мусоба-қаси бўлиб ўтди. Унда шаҳри-миздаги «Меҳнат ўринбосарлари», «Динамо» қасаба ўшмалари, 8-бокс мактабнинг ёш чарм қўлқоп устаслари билан бирга Буюк Кўн-гирот, Сурхондарё ва Қорақалпо-ғистондан жами 88 боксчи узаро куч синашди.

38 килограммдан 79 килограм-мгача бўлган 15 та вазн тоифаси-даги баҳслар қескин ва муросас-из ўтди. Финал беллашувидагида қўл беллаш қолган қўллардаги ёш боксчилар «Навруз» совринлари-нинг соҳиблари бўлишди: Д. Пу-латов («Меҳнат ўринбосарлари»), И. Абдулқодиров («Қасаба ўшма-лари»), С. Холликов («Қасаба ўш-малари»), И. Нигматов («Қасаба ўшмалари»), Д. Аҳмадов («Меҳ-нат ўринбосарлари»), Б. Қилич-боев («Кўнгирот»), А. Андреев (8-бокс мактаби), Д. Тўйчиев («Қа-саба ўшмалари»), Мамоев (8-бо-кс мактаби), Р. Юнусов («Дино-мо»), Б. Тўшпулатов («Меҳнат ўринбосарлари»), Д. Муротов (8-бокс мактаби), А. Тўшпулатов (республика ўсмирлар олий спорт маҳорати мактаби), З. Абдувалиев (8-бокс мактаби), В. Даниял («Ди-намо»).

Дилшод ИСМОИЛ.



Теннис — бу чаққонлик.

Теннис

«ЮЛДУЗ»ЛАР АЙМАШАЯПТИ

чисидадан бирортаси ҳам қолма-дики, бу мутахассисларнинг «кор-т бахсларида инқилобий ўзга-ришлар юз бераяпти» деган ҳу-лосага келишларига асос бў-лаяпти.

Шўш, жаҳон теннисида янги «юлдуз»лар порлай бошлаган экан, айни кунда мамлакатимиз теннисида қўнчлар алмашиви жараёни қандай кечаяпти?

Норасмий жаҳон чемпионати ҳисобланган «Девис кубоги» учун Осиё-Океания минтақаси-нинг биринчи гуруҳ бахсларида дастлабки учрашуви жиддийлик-ларга қарши муваффақиятсиз ўт-казгандан сўнг теннисчиларимиз ўз рейтинг даражаларига қараб ҳалқаро турнирларда қатнашиш учун Европа ва Осиё қитъаси-нинг турли шаҳарлари томон йўл олишди. Жумладан, ёш теннис-чиси Вадим Куценко Исроилга йўл олиб, сателлит турнирида қатнашди. Ушбу турнирда Вадим жиддий жароҳат олди. Бу рес-публика теннис федерацияси ҳодимлари ва терма жамоаси мураббийларини ташвишга со-либ қўйди. Чунки терма жамоа-

миз Осиё-Океания минтақаси-ниг биринчи гуруҳида ўз макеи-ни сақлаб қолиш учун июль ойи-да Япония терма жамоасига қар-ши ҳал қилувчи баҳс қорларига чиқиши лозим. Врачларнинг айтишича, Вадим Куценко июлга қадар қортта чиқиши даргумон. Олег Огородов ва Дмитрий То-машевичга муносиб ўринбосар-лар эса...

Ўзбекистон теннис федера-циясининг навбатдаги йиғилиши-да ана шу масала муҳокама этил-ди ва яқин кунларда терма жа-моага номзодларни аниқлаш учун мамлакатимиз ёш теннисчилари ўртасида саралаш мусобақаси ўтказишга қарор қилинди.

Бундан ташқари юртимиз тен-нис муҳлисларини бу йил ҳам бир қатор аjoyиб турнирлар қутяп-ти. Муҳлислар учун дастлабки ян-гилик шундаки, бундан икки йил муқаддам мамлакатимиз шаҳар-лари бўйлаб ўтказилган «Буюк ипак йўли» сателлит турнири яна ҳалқаро теннис ташкилотининг мусобақалар календаридан ўрин олди.

Профессориал теннисчи-лар ўртасида ўтказиладиган бу йилги «Буюк ипак йўли» сателлит мусобақалар қарвони 20 сентя-брдан 19 октябргача бўлган муд-датда Самарқанд, Фарғона, Ан-дижон, Тошкент шаҳрларига жи-риб бориши режалаштирилган.

«Президент Кубоги» учун про-фессиналар ўртасидаги навба-тдаги ҳалқаро турнир бу йил бироз эртароқ, яъни 11-17 авгу-ст кунлари ўтказилиши мўлжал-ланяпти. Аёллар ўртасидаги «Челленжер» иккинчи ҳалқаро турнирини эса мамлакатимиз 31 майдан 7 июнга қадар қабул қи-лади. Албатта, бу мусобақалар мамлакатимизда қўнлаб маҳорат-ли теннисчилар етишиши учун хизмат қилади ва ўз навбатида мамлакатимизнинг жаҳон тенни-сидида маъкеини белгилайди.

Расул ЭРМУҲАММАД.

Бош муҳаррир
Эркин ЭРНАЗАРОВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

1997 йилнинг 1 апрелидан бошлаб Халқ банки муассасаларида аҳолининг ўз пулларини омонатда сақлашлариға қизқитириш мақсадида, янги самарали — «Рақамли» ва қисқа муддатли депозит омонатлари

ЖОРИЙ ҚИЛИНДИ.

«Рақамли» омонати ҳар ойда 2 фоз даромад тўлаш шарти билан 4 ойга қабул қилинади. Ушбу омонат тури махфий ҳисоблониб — ҳисоб варақасида омонатчининг исми, шарифи кўрсатилмайди.

Омонатнинг энг кам миқдори 5000 сўм бўлиб, омонатчининг шахсан ўзидан нақд пул тўлаш йўли билан қабул қилинади.

Ҳисобланган фозлар олинмаган тақдирда, улар омонат миқдорига қўшиб борилади. «Рақамли» омонати бўйича муомалалар Халқ банкининг туманлардаги муомала бўлимларида амалга оширилади.

3 ойлик қисқа муддатли депозит омонатчининг ўзи ёки бошқа шахс томонидан фақат нақд пул тўлаш орқали қабул қилинади.

Омонат 3 ой сақлангандан сўнг 8 фоз миқдоридида даромад тўланади.

Омонатнинг энг кам миқдори — 5000 сўм.

Қисқа муддатли 3 ойлик депозит муддати тўлагач янги муддатга қайта расмийлаштирилиши ёки бошқа омонат турига расмийлаштирилиши мумкин.

ХАЛҚ БАНКИ ҲАР ДОИМ ХИЗМАТИНГИЗГА ТАЙЁР!

Маълумотлар учун телефон: 43-66-43.

Тошкент шаҳар Халқ банки бошқармаси.

ЭЛЕКТР ҚУВВАТИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси электр энергияси ҳақини тўлаш учун СКБ шаҳар бўлимидаги ҳисоб рақами ўзгарганлигини маълум қилади.

Янги ҳисоб рақами:

20210000100126958002.

Истеъмолчилар қўлларидидаги илгариги ҳисоб рақами кўрсатилган ҳисоб китоб-чалари бундан кейинги тўловлар учун ҳам яроқли эканлигини билдиради. Маълумот учун телефон: 36-69-23.

Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

«Сувсоз» трести ва сув ўтказгич тармоқлари бошқармасига қарашли канализация қудуқларига бегона шахсларнинг тушишлари қатъиян ман этилади.

ОГОҲЛАНТИРАМИЗ:

Қудуқларда инсон ҳаёти учун хавfli бўлган заҳарли газлар бор!

ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Тошкент оқшони» газетасида 1997 йил апрел-да чиққан эълонга қўйидаги аниқлик киритилади: 1997 йил 1 апрелдан телефон тармоғи хизмат-ларига янги тарифлар жорий этилди. Асосий телефон аппарати учун бир ойлик аба-нентлик тўлов:

1. Яққа фойдаланишидаги: корхоналар учун — 1170 сўм аҳоли учун — 90 сўм.
2. Жамоа бўлиб фойдаланишидаги: аҳоли учун — 150 сўм.
3. Жамоа бўлиб фойдаланишидаги: аҳоли учун — 120 сўм.

Гаплашган вақтига қараб ҳақ тўланадиган ти-зимдаги абонентлар учун Асосий телефон аппарати учун бир ойлик аба-нентлик тўлови:

1. Яққа фойдаланишидаги: корхоналар учун 1118 сўм аҳоли учун — 63 сўм.
Абонент томонидан амалга оширилган сўзлашу-ларнинг белгиланган лимити ва белгиланган аба-нентлик тўлови чегарасидан ўтган сўзлашувнинг ҳар бир тўла ёки тўла бўлмаган дақиқаси учун:

— аҳоли ва корхоналар учун — 0.30 сўм.
1997 йил 1 апрелдан бошлаб 1991—1945 йилги уруш ноғиронлари, ноғирон байналмилалчи-жаңг-чилар, Чернобыль фожиаси ноғиронлари ва 1-гу-руҳ ноғиронларига абонентлик тўловига телефон аппарати учун бир ойлик абонентлик тўловининг 50